O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
TERMIZ SHAHAR HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА ГОРОДА ТЕРМЕЗА

190112 Termiz shahri At-Termiziy ko'chasi 5-uy tel.: 0 (376) 224-16-40 fax: 0(376) 224-13-12

2018 yil "08" 01 — 4-31 - sonli

**Термиз шаҳрининг 2018 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарорига асосан, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабр кунидаги 142/5-24-сонли ва вилоят ҳокимининг 2018 йил 06 январдаги Қ-6-сонли ҳамда Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг 2017 йил 31 декабр кунидаги 117/03-05-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-3454-сон қарорига асосан, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг 2017 йил 30 декабр кунидаги 142/5-24-сонли ва вилоят ҳокимининг 2018 йил 06 январдаги Қ-6-сонли ҳамда Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгашининг 2017 йил 31 декабр кунидаги 117/03-05-сонли қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил учун Термиз шаҳри бўйича бюджет даромадларининг режа кўрсаткичлари 1"А" ва 1"Б"-иловаларга мувофик;

шаҳар маҳаллий бюджети харажатларининг режа кўрсаткичлари 2-иловага мувофик;

республика бюджетидан 2018 йилда ажратиладиган мақсадли трансфертларнинг маҳаллий бюджетларга тақсимланиши ҳамда Термиз шаҳар даромадлари ва харажатларининг ҳажмлари 3-иловага мувофик;

умумдавлат солиқлари тушумларидан шаҳар маҳаллий бюджетига 2018 йил учун ажратмалар меъёри 4-иловага мувофиқ;

2018 йил учун маҳаллий бюджет айланма касса маблағининг энг кам чегаравий миқдорлари ҳажми 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар бюджетининг даромадига қўшиладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тегишли бюджет параметрларида кўзда тутилмаган харажатларга йўналтирилишига йўл қўйилмасин.

4. Термиз шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими (О.Холматов) (даромадлар ва харажатлар ўртасидаги вақтинчалик касса тафовутларини қоплаш учун) шаҳар маҳаллий бюджетига бюджетдан мақсадли трансфертлар ва ссудалар ажратишда уларнинг миқдорини шаҳар бўйича барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушуши, шунингдек иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича шаҳар маҳаллий бюджетининг харажатларини биринчи навбатда сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирсин.

5. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларидан фойдаланувчиларининг харажатлар сметаси тузилаётганда биринчи навбатда иш ҳақи (ягона ижтимоий тўлов билан бирга), нафақалар ва унга тенглаштирилган тўловларга сарфланадиган харажатлар тегишли бюджетнинг тасдиқланган харажати параметри доирасига амалга оширилсин.

6. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ғ.Эламанов)га вилоят бюджетидан бюджет ссудалари олиш учун сўровнома билан вилоят Молия бош бошқармасига ёзма равишда мурожаат қилганида, уларни қоплаш муддати ва манбалари тўғрисида тўлиқ ахборот тақдим этиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Эламанов зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **И.Худойбердиев**

DEVONXONA

TERMIZ SHAHAR HOKIMIYATI
ASLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM